



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT STATISTIKA QO'MITASINING QARORI

20 20 y. « 30 » ноябрь

№ 46

Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низомни такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ва истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киради.

Раис


Б.Бегалов

Раиснинг биринчи ўринбосари



Д. Холмуродов

Раиснинг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари



А. Икрамов

Раиснинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосари



М. Зиядуллаев

Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўринбосари



З. Зияев

Раиснинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича маслаҳатчиси



Қ. Ахмедов

Нархлар статистикаси бошқармаси




М. Умаров

Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси



Д. Закиров

Макроиқтисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси



А. Мамиров

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси



Ф. Бердибаев

Юридик бўлими



Қ. Мусаев

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

**Товарлар ва хизматларнинг
истеъмол нархлари (тарифлари)
кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол
нархлари индексини ҳисоблаш бўйича
услубий низом**

2020 йил

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 30 ноябрдаги 46-сонли
қарорига илова

Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари
(тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари
индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом

Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом, аҳоли томонидан ноишлаб чиқариш истеъмоли учун харид қилинадиган товарлар ва хизматлар истеъмол нарх(тариф)ларининг статистик кузатувини ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истеъмол нархлари индексини (кейинги ўринларда ИНИ) аниқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу услубий низомни ишлаб чиқишда “Истеъмол нархлари индекси бўйича қўлланма: Назария ва амалиёт” (Халқаро Валюта Фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Европа ҳамжамияти статистика бюроси (Евростат), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК), Бутунжаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)) асос бўлиб хизмат қилади.

ИНИ истеъмол секторида инфляция даражасини акс эттирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ҳамда давлатнинг молия ва пул-кредит сиёсатини амалга оширишда, иқтисодиётда нарх жараёнларини таҳлил ва прогноз қилишда, аҳолига энг кам ижтимоий кафолатларни қайта кўриб чиқишда, айрим ҳукукий баҳс-мунозараларни ҳал этиш ва ҳоказоларда фойдаланилиши мумкин.

1. Умумий қоидалар

1. (Мазкур) услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

нарх – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси;

қиёсий нарх (муомаладаги нарх) – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган айнан бир ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи;

рўйхатга олиш нархи – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори;

нархларни рўйхатга олиш – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги товар (хизматлар)нинг шакллантирилган тўпламига кирган товар (хизмат)лар нархлари тўғрисида маълумот тўплаш услуги;

нарх даражаси - муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш бошқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

ўртача нарх – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларнинг шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

индекснинг базис (таянч) даври – нарх индекси қиймати юз фоизга тенг миқдорда қабул қилиниб, ойлик нарх индекслари узвий боғланадиган давр;

таянч йилнинг декабрига нисбатан нарх индекси - жорий нархнинг мос маълумотлар базасига (базавий йил декабрига) нисбатан қабул қилинган давр баҳосига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган нарх индекси. Доимий равишда индекслар таққосланадиган давр маълум йилнинг декабрь ойи бўлиб ҳисобланади.

намуна (вакил) товар – намуна товар деганда, товар (хизмат)ларнинг сифати ва асосий истеъмол хусусиятларига таъсир кўрсатмайдиган даражада бир-биридан ўзига хос хусусият (тавсиф)ларига кўра унчалик катта бўлмаган ҳолда фарқланадиган, шунингдек, ўзининг истеъмол вазифаси бўйича бир хил бўлган маълум бир товар (хизмат) турлари йиғиндиси тушунилади. Товарларни ҳудудлар даражасида тавсифлашда, қайси товар баҳоланиши кераклигини кўрсатувчи восита бўлиб ҳисобланувчи таснифлардан фойдаланилади;

танлаш (танлов йиғиндиси) – намунавий (репрезентатив) бўлиши, умумий йиғиндининг (барча кузатувлар йиғиндисининг) ўзига хос хусусиятлари ҳамда мутаносиблигини тўлиқ ва айнан бир хил акс эттириб бериши лозим бўлган чекланган кузатувлар сонининг йиғиндиси;

мавсумийлик – йилда вақт алмашилиши, бошоқли маҳсулотлар, сабзавот ва меваларнинг етилиши даври ҳамда уларни қайта ишланиши, маълум ишларнинг бажарилиши, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ва шу каби бошқа омиллар билан боғлиқ такрорланувчи ўзгаришлар;

салмоқ вазн – товарлар ва хизматларнинг умумий нарх кўрсаткичи доирасидаги нисбий аҳамият ўлчови. Бу улуш уй хўжаликлари харажатларининг умумий миқдориди товарлар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари улушини тавсифлайди;

нарх индексининг салмоқ вазни – нарх индексининг шаклланишида қатнашувчи ўлчам. Мазкур кўрсаткичлар ёрдамида:

а) кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий йиғиндисиди ҳар бир аниқ таркибий қисмнинг мазмуни ифодаланади;

б) аввалдан ўзаро солиштириб бўлмайдиган бирламчи таркибий қисмлар таққосланадиган шаклга келтирилади;

в) қўлланилаётган таснифлагичнинг барча босқичлари бўйича ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган таркибий қисмлар кетма-кетлиги умумлаштирилади ва ўрганилаётган ҳодиса бўйича нарх ўзгаришининг умумий моҳияти аниқланади.

таянч давр салмоғи – нарх индекслари ҳисоб-китобида салмоқ вазн кўрсаткичлари учун хизмат қилувчи давр;

ҳудуд – товарлар (хизматлар) нархлари кузатуви амалга ошириладиган жой (вилоят, шаҳар, туман);

истеъмол нархлари индекси (ИНИ) – инфляция даражасини ифодаладиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган истеъмол учун сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товарлар ва хизматлар истеъмоли миқдорининг ўзгармас бўлган ҳолатида, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди. ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товарлар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

2. ИНИни ҳисоблаш, нархлар кузатуви методологияси ва инструментарийсини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек, ИНИни бевосита ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ҳудудий статистика бошқармалари томонидан шаҳарлар ва туманлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, аниқ тавсифга эга товарлар ва хизматлар танлови, рўйхатга олиш ҳамда бирламчи маълумотлар таҳлилини назоратга олган ҳолда маълумотлар базасини шакллантириш ва уни электрон тарзда тақдим этиш бўйича керакли маълумотлар тайёрланади.

3. ИНИни ҳисоблаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

а) истеъмол бозорида товарлар ва хизматларни сотиш жойида рўйхатга олиш усули бўйича олинган нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;

б) аҳолининг ҳақиқий истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар.

4. Кузатув республика ҳудудларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида, шунингдек буюм, аралаш ва озиқ-овқат бозорларида амалга оширилади.

5. Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилувчи истеъмол товарлари (хизматлари) рўйхати, аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган гуруҳини ифодалайди.

6. Йиғма истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товарлар

ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжаликларининг кузатуви натижасида олинадиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

7. Истеъмолчилар доимо ўз харажатларини ўзгарувчан бозор шароитига мослаштириб борадилар, аҳолининг алоҳида олинган товарлар ва хизматлари истеъмоли таркиби сезиларли тарзда ўзгариб туради. Шунинг учун, ИНИни ҳисоблашда фойдаланиладиган салмоқ таркиби, уй хўжаликлари бюджетлари кузатуви сўнгги маълумотлари асосида ҳар йили янгиланиб борилади.

8. ИНИда аҳоли томонидан харид қилинадиган товарлар ва хизматлардаги сифат ўзгаришлари (модернизация, қўшимча сервис ва ҳ.к.) инобатга олинмайди.

2. Кузатув инструментарийси

9. Истеъмол нархларини рўйхатга олиш ҳар йили Эксперт кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Товар (хизмат)лар истеъмол нарх (тариф)ларини рўйхатга олиш бланкаси” асосида планшет қурилмалари ва махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Нархларни рўйхатга олиш жараёнларини енгиллаштириш ҳамда нарх регистраторлари учун қулайликлар яратиш мақсадида, планшет қурилмаларидаги махсус дастурий таъминот интерфейси кузатув моҳиятидан четлашмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Зарур ҳолатларда рўйхатга олиш ишларида ўрнатилган тартиб асосида тасдиқланган ҳужжатлар ва саволномалардан фойдаланиш мумкин.

3. Товарлар ва хизматлар истеъмол нархлари юзасидан статистик кузатувларни ташкил этишнинг асосий босқичлари ва ИНИни ҳисоблаш

10. Нархлар тўғрисидаги бошланғич маълумотлар барча индекс ҳисоб-китоблари учун асос бўлади. Улар асосида нархларнинг дастлабки индивидуал индекс кўрсаткичлари шаклланади.

11. Истеъмол бозорида товарлар ва хизматларнинг нарх ва тарифлари даражасини рўйхатга олиш, танланма статистик кузатув тамойилларига асосланади ҳамда ҳудудлар, савдо объектлари, товарлар ва хизматлар, улар турларининг фақатгина бир қисмини қамраб олади. Нархлар рўйхатга олинадиган савдо объектлари, товарлар ва хизматларга нисбатан танланма кўлами ва танлов услуги, кузатилаётган нархларнинг репрезентатив характерини ва индексларнинг ҳаққонийлиги бўйича талабларга риоя қилиш учун етарлилигини таъминлайди. Нарх ва тарифларни кузатиш бўйича танлов, истеъмолчилар харид қила оладиган товарлар ва хизматларнинг ҳар бирига тегишли савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг сони, тури ва географик қамровини, шунингдек, танлаб олинган объектлар ўртасида нарх ва тарифларнинг бир-биридан фарқ қилишини акс эттиради.

12. Нарх даражаси ва ўзгариши, шунингдек, турли даражада агрегацияланган ИНИни кузатиш қуйидаги босқичлар орқали шаклланади:

товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари кузатуви ўтказиладиган ҳудудларни танлаб олиш;

бевосита нарх ва тарифларни рўйхатга олиш амалга ошириладиган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини танлаб олиш;

нархлар (тарифлар) ўзгариши кузатиладиган намуна товар (хизмат)ларни танлаш;
худудлар бўйича рўйхатга олинган нархлар, ҳисобланган ўртача қийматлар бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

ИНИни ҳисоблашда ўлчов базаларини шакллантириш;

ИНИни ҳисоблаш.

4. Худудлар танлови

13. Истеъмол нархлари кузатуви Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри худудларида ўтказилади. Нархлар бўйича маълумотлар Нукус ва Тошкент шаҳарларида, вилоят марказларида ҳамда танлама асосда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, географик жойлашуви ҳамда истеъмол бозорининг товарлар ва хизматлар билан етарлича таъминланганлик даражасини акс эттиришини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинган шаҳарлар ва туман марказларида йиғилади.

Вакилликни (репрезентативликни) таъминлаш учун худудлар кесимида савдо айланмаси ва унинг таркиби, кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми, аҳоли сони, шаҳар ва туманлар орасидаги масофа, вилоят марказидан узоқлиги ва бошқа тегишли маълумотлар таҳлил қилинади.

Худудларнинг танлови бир неча йил мобайнида деярли ўзгармайди ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзгаришидан келиб чиқиб, янгиланиши мумкин.

14. Худудларда нархларнинг кузатувини амалга ошириш учун шаҳар ва туманларни танлаб олиш, Давлат статистика қўмитаси томонидан худудий статистика органлари билан биргаликда, қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

нархларнинг кузатувини амалга ошириш учун танлаб олинган шаҳар ва туманлар худудларнинг ўзига хос географик хусусиятларини акс эттириши ва унинг турли қисмларида жойлашган бўлиши лозим;

танловга бир-бирига ва худуд марказига яқин жойлашган шаҳар ва туманлар киритилмаслиги керак, агар мазкур шаҳар ва туманларда нарх ўзгариши ва даражасида катта фарқ бўлмаса;

нарх кузатуви учун танланган шаҳар ва туманлар, ойлик кузатув учун қабул қилинган рўйхатга киритилган товарлар ва хизматлар билан мунтазам тўлдириш имкони мавжудлигини тавсифлаши лозим;

нархларнинг ойлик кузатуви учун танланган шаҳар ва туманларнинг аҳолиси сони худуддаги тегишли равишда аҳоли сонининг 55 фоизидан кам бўлмаслиги, чакана товар айланмаси улуши эса худуднинг умумий товар айланмасининг 60 фоиздан кам бўлмаган миқдорида бўлиши лозим.

Ишлаб чиқилган мезонларга асосан, товарлар ва хизматлар нархлари даражаси тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш мақсадида ҳудудлар рўйхати шакллантирилади (3-илова).

5. Савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларини танлаш

15. Савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларини танлаш ҳудудий статистика органлари томонидан мазкур Низомнинг 16-26 бандларида келтирилган мезонларга амал қилган ҳолда амалга оширилади. Шакллантирилган савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектлари рўйхатлари Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида тақдим этилади.

16. Нархлар кузатуви учун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини танлашда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотлари, шунингдек, мавжуд статистик ҳисобот (товарлар ва хизматларни сотишдан тушган тушум, сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар таркиби ва бошқалар) маълумотларидан фойдаланилади.

17. Нарх (тариф) даражаси ва унинг ўзгариши тўғрисида объектив маълумот олиш мақсадида, нархларни рўйхатга олиш учун савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектлари танлови шундай амалга оширилиши зарурки, ушбу танлов натижаси, имкон қадар савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзига хос маҳаллий хусусиятини аниқ акс эттирсин. Хусусан, кузатувга савдо (хизмат кўрсатиш)нинг турли хил шартларига эга савдо корхоналари киритилиши учун, унда шаҳар (туман)нинг ҳам марказий қисмида, ҳам чекка қисмида жойлашган, ҳажми жиҳатидан (йирик, ўрта ва кичик) фаркланадиган савдо (хизмат кўрсатиш) нуқталари иштирок этиши зарур.

18. Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифлари кузатуви савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектларида (кийим-кечак, аралаш ва озиқ-овқат бозорлари ҳамда дўконларида, гипермаркет, супермаркет, минимаркетларда ва ҳ.к.), шунингдек, кўчма савдо (палатка, киоск ва ҳ.к.) жойларида ҳам амалга оширилади. Танланма кузатувга барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхона ҳамда ташкилотлар, шунингдек, чакана савдода фаолият юритувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳам киритилади.

19. Турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини танлашда уларнинг савдо ёки пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмидаги (савдо ва хизмат кўрсатиш статистикаси маълумотлари бўйича) нисбатини эътиборга олиш, шунингдек, ҳам дўконларнинг, ҳам бозорларнинг мутаносиб қамровини таъминлаш лозим.

20. Танлаб олинган дўконлар таркибида албатта ҳам универсал, ҳам ихтисослашган дўконлар, яъни хўжалик, китоб, маиший техника ва бошқа турдаги дўконлар бўлиши зарур.

21. Сотилаётган товарлар ва хизматлар нархлари ҳудуд бўйича ўртача нарх даражасидан сезиларли юқори бўлган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси

объектлари (фирма дўконлари, салон-дўконлар), мазкур объектлар аҳоли ўртасида оммабоп бўлган тақдирда танловга киритилиши мумкин.

Бундай объектлар, уларда товар айланмаси юқори бўлганда ҳамда истеъмол хусусиятлари ва нархлар даражаси бўйича оммавий истеъмолчиларга мўлжалланган товарлар сотилган вазиятларда кузатув таркибига киритилади.

22. Кузатувга эксклюзив товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш объектлари киритилмайди. Сабаби, уларнинг нархлари кузатувдаги айнан шунга ўхшаш товар (хизмат)ларнинг ўртача нарх (тариф)ларидан анча юқорилиги ва бу ўртача нархларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Масалан, нуфузли (қиммат) фирмаларнинг эксклюзив товарлари билан савдо қилувчи дўконлар (бутиклар)да нархларни рўйхатга олиш тавсия этилмайди, чунки улардаги юқори нарх даражасидан ташқари, ушбу дўконларга катта бўлмаган ҳажмларда товар келтирилиши, маҳсулотларнинг доимий янгиланиб борилиши, сотувдаги товарларнинг таққосланиш доираси бўйича нархларни кузатиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради.

23. Танланма кузатув таркибига киритиладиган савдо (хизмат кўрсатувчи) ва бошқа кузатув объектларида сотиладиган товарлар ва хизматлар нархлари (тарифлари) даражаси бўйича оммавий истеъмолга мўлжалланган бўлиши лозим.

24. Шаҳар (туман)нинг турли ҳудудларида жойлашган ва ягона савдо тармоғи (фирма) таркибига қиравчи йирик савдо объектларида товарларнинг нархлари кенгайтирилган рўйхат бўйича қайд этилади. Бунда, кузатув учун танлаб олинган фирма дўконларида рўйхатга олинган нархлар сони ушбу фирманинг шаҳар (туман)да жойлашган барча дўконларида сотилган товарлар ҳажминининг қиёсийлигини ифодалаши лозим.

25. Чакана савдо бозорларида кузатувни амалга оширишда, кузатув объекти рўйхатига кузатилаётган барча савдо нуқталари, уларнинг манзили ва сотиладиган товарлар гуруҳи тўғрисидаги маълумолар киритилади.

Масалан, “Қўйлиқ деҳқон бозори”, Фарғона йўли кўчаси, савдо шаҳобчалари:

а) 1-савдо қатори, 5-жой – балиқ маҳсулотлари;

б) 2-савдо қатори, 12-жой – колбаса маҳсулотлари, пишлоклар, сут маҳсулотлари, сариёғ;

в) 3-савдо қатори, 6-жой – қандолат маҳсулотлари, чой, кофе, макарон ва ёрма маҳсулотлар.

26. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари алмашганда ёки янги савдо объектлари кузатувга киритилганда мазкур рўйхат янгиланади.

Қоида тариқасида, зарур ҳолатларда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини янгилаш ва алмаштириш ҳар йили йил бошида салмоқ вазнлар таркибини янгилаш билан бир вақтда амалга оширилади.

Бирок, объектлар узоқ вақтга ёпилган ёки тугатилган тақдирда, уларни алмаштириш йил давомида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун янги савдо объектлари (хизматлар соҳаси)ни танлаш тавсия этилиб, бунда товарлар ассортименти, нарх даражаси, товарларни (хизматларни) сотиш шартлари йил бошидаги асосий нарх кузатувида киритилган ва алмаштирилаётган объектлардаги билан бир хил бўлиши зарур.

Шунингдек, нарх кузатувида қатнашаётган савдо (хизмат соҳаси) объектида муайян маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) тўхтатилганлиги сабабли шу маҳсулот (хизмат) нарhini (тарифини) рўйхатдан ўтказиш имкони бўлмаса, бундай савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари алмаштирилиши мумкин.

Бундай вазиятда, ушбу объектда тегишли маҳсулот (хизмат) келгусида сотилмаслигига, нарх (тариф)ни алмаштириш ёки индекслаш учун шунга ўхшаш товар (хизмат)ни олишнинг иложи йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

6. Намуна товар (хизмат)ларни танлаш

27. Нархлар кузатувини амалга оширишда ва ИНИни ҳисоблашда асос бўладиган товарлар ва хизматларнинг истеъмол тўплами, аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товарлар ва пуллик хизматлар гуруҳларини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари учун ягона бўлган репрезентатив танловини ифодалайди. Ушбу тўплам Давлат статистика қўмитаси томонидан Мақсадлари бўйича индивидуал шахсий истеъмол таснифлагичи (МИИТ-2018), шунингдек, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари таркиби маълумотлари асосида шакллантирилади ва маълум вақт давомида ўзгаришсиз қолади (бир йилдан кам бўлмаган муддатда).

28. Нарх ва тарифларни рўйхатга олишда намуна-товарлар (хизматлар)ни тўғри танлаш, нархлар ўзгариши тўғрисидаги объектив маълумот олишнинг муҳим босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади. Истеъмол хусусиятларининг етарлича умумий таърифига эга бўлган намуна-товарлар ва хизматлар тавсифи Давлат статистика қўмитаси томонидан марказлаштирилган ҳолда белгиланади.

29. Ушбу рўйхатга айнан аниқ бир товар (хизмат)лар эмас, балки, истеъмол мақсадларига кўра товарлар ва хизматлар турлари унинг бир хил таркибига кўра рўйхатга олинади. Аниқ тавсифга эга муайян товар ва хизмат турлари бевосита нарх регистрторлари томонидан танланиши керак.

30. Тўпламга оммавий истеъмол товарлари ва хизматлари, шунингдек, мажбурий фойдаланишда бўлиши талаб этилмайдиган айрим товарлар ва хизматлар (енгил автомобиллар, олтиндан ясалган заргарлик буюмлари, енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) киритилган. Товарлар ва хизматларни танлаш уларнинг аҳоли истеъмолида муҳимлиги жиҳатидан, бир турдаги товарлар нархларининг ўзгаришини акс эттириши мумкинлиги, уларнинг сотувда барқарор мавжуд бўлиши нисбати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

31. Тўпламга янги товарлар ва хизматлар киритилишининг мезони бўлиб, уларнинг аҳоли умумий истеъмол харажатларидаги улуши ҳисобланади. Янги турдаги товарлар ва хизматлар, уларнинг аҳоли умумий истеъмол харажатларидаги улуши

0,1 фоиздан кам бўлмаган ҳоллардагина истеъмол нархлари кузатуви рўйхати таркибига киритилади.

Баъзи ҳолларда кузатув тўплами таркибига аҳолининг умумий истеъмол харажатларида камроқ улушга эга бўлган товар (хизмат)лар киритилиши мумкин. Бундай ҳолатларга масалан, маълум бир ҳудуд ёки умумий республика учун маҳсулот (хизмат)нинг ижтимоий аҳамияти, тармоқ бошқармалари томонидан статистик ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида маҳсулот (хизмат)ларнинг ИНИ маълумотларига эҳтиёж ва бошқалар киради.

32. Кузатув таркибига, ҳам маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар, ҳам импорт товарлар киритилади.

Рўйхатга олувчилар кузатув давомида товар ишлаб чиқарилган мамлакат ва импорт маҳсулоти тўғрисидаги қўшимча бошқа маълумотларни ҳам оладилар. Нархларни рўйхатга олиш ва уларни қайд этиш жараёнида ушбу товарнинг импорт ёки маҳаллий ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар дастурий таъминотининг тегишли майдонларида қайд этилади. Ушбу қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб истеъмол тўплами таркибида товар(хизмат)лар маҳаллий ва импорт тоифаларига ажратилади.

Турли хил чакана савдо объектларининг маҳаллий ва импорт товарлари билан нотеkis тўйинганлигини ҳисобга олган ҳолда, дастлабки танлов вақтида ҳар бир савдо объекти бўйича импорт товарларининг нисбати рўйхатга олувчи томонидан сотувчилар билан биргаликда ушбу объектда маҳаллий ва импорт товарларнинг талаб ҳамда таклифни ҳажмини таҳлил қилиш асосида аниқланади. Шу муносабат билан, турли чакана савдо дўконларида танланган товарларнинг маҳаллий ва импорт бўйича нисбати ўзаро фарқ қилиши мумкин.

33. Ўзбекистон Республикасида нархлар кузатуви 4-иловага мувофиқ, истеъмол савати тўпламига кирувчи товарлар ва хизматлар бўйича амалга оширилади.

34. Ҳисоб-китоблар учун товарлар ва хизматлар тузилмаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (МИИТ-2018) га асосланади.

35. Нарх ва тарифлар даражаси ҳамда динамикасини кузатиш, аниқ истеъмол хусусиятларига эга бўлган алоҳида товарлар ва хизматлар бўйича олиб борилади.

Кузатувнинг умумий тамойиллари Услубий низомнинг 1-иловасида келтириб ўтилган.

36. Истеъмол нархлари кузатувида иштирок этувчи танланган ҳар бир ҳудуд (шаҳар, туман) бўйича давлат статистика органларининг рўйхатга олувчилари истеъмол савати тўпламига кирувчи товар (хизмат)ларга бўлган талаб ва таклифнинг оммавийлиги ва мунтазамлигини ҳисобга олган ҳолда сотувда мавжуд товарлар (хизматлар) доирасида алоҳида товар (хизмат)ларни мустақил равишда танлайдилар. Улар маълум бир истеъмол хусусиятларига эга бўлган муайян шаҳар (туман) истеъмол бозорида катта улушни эгаллаб турган ва узоқ вақт сотувга қўйиладиган намуна-товарлар (хизматлар) гуруҳининг умумий тавсифини батафсил ёритиб берадилар.

37. Товар (хизмат)лар танловида қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

йиғилган маълумот мумкин қадар ҳар бир товарнинг барча доимий оммавий сотиш жойларини, жумладан, барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги дўкон ва киоскларни, шунингдек, бозор ва кўчалардаги савдо қилиш жойларини ҳам қамраб олиши зарур;

маълум турдаги товар (хизмат)ни танлаб олинишида биринчи навбатда унинг келгуси ойлар давомида ҳам аҳоли учун сотувда бўлиши эҳтимолига алоҳида эътибор бериш зарур;

товарлар (хизматлар)ни танлашда рўйхатга олувчининг индивидуал дидидан келиб чиқиб эмас, балки одатий истеъмол учун хос бўлганини танлаш лозим. Дўкон сотувчиси билан суҳбатлашган ҳолда, истеъмол нархлари кузатувида киритилган қайси товар аҳоли томонидан энг кўп талаб билдирилатганини аниқлаш мумкин;

алоҳида турдаги кийим-кечак ва оёқ кийим нархларини кузатиш учун танловда биринчи навбатда ўта замонавий товарларга эмас, балки, узоқ муддат давомида нархлар кузатувини ўтказиш мумкин бўлган, зарур ҳолларда эскирган моделлар нархини кузатишни олдини олиш мақсадида уларни ўзгартириш билан бирга, алоҳида эътиборни анъанавий йўналишдаги моделларга бериш тавсия этилади;

келгусида маълумот тўплаш учун танланган товар (хизмат) хусусиятларини батафсил тавсифлаш лозим. Нархларни рўйхатга олувчи янги ходим, товар (хизмат)нинг истеъмол нархи (тарифи)ни рўйхатга олиш бланкасидаги таърифлардан фойдаланган ҳолда, ушбу товар (хизмат)ни хатосиз аниқлай олиши зарур;

келгуси ойларда баъзи товар (хизмат)лар нархи тўғрисида маълумот йиғиш мумкин бўлмаган ҳолат аниқланса, кузатилаётган товар (хизмат)лар ассортиментида ўзгартириш киритиш ёки савдо нуқтасини алмаштириш лозим.

38. Алоҳида турдаги товарларнинг нархлари юзасидан статистик кузатувнинг ўзига хос хусусиятлари Услубий низомнинг 2-иловасида келтирилган.

7. Ҳудуд (вилоят) бўйича ўртача нархларни ҳисоблаш ва маълумотларни узатиш

39. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўртача нарх, кузатув учун танлаб олинган шаҳар (туман)лардаги барча савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектлари бўйича рўйхатга олинган нарх (тариф)лардан ўртача геометрик кўрсаткич кўринишида ҳисобланади. Таклиф қилинаётган мавжуд ҳар бир товар (хизмат) номлари бўйича, ҳар бир шаҳар (туман)дан 2-3 тагача ва вилоят марказидан 5-6 тагача нархни олиш етарлидир.

Кузатув учун танланган вилоят, шаҳар (туман), маъмурий марказнинг истеъмол бозорида товар ёки хизмат кенг миқёсда тақдим этилмаган ҳолларда, нарх таклифлари сони камайиши мумкин.

Нархлар (тарифлар) сонининг қисқариши товар (хизмат)нинг нархи бутун туман, шаҳар ёки маъмурий марказнинг ҳудудида бир хил бўлган вазият билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

40. Ҳудуд учун тақдим этиладиган вакил - товар (хизмат)нинг ўртача нархлари индексларини аниқлаш учун нархнинг (тарифнинг) ўртача геометрик қиймати формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$\overline{P_{ji}} = \sqrt[n]{P_{ji(1)} \times P_{ji(2)} \times \dots \times P_{ji(n)}}$$

$\overline{P_{ji}}$ - ҳудуд бўйича (j) товар (хизмат)ларнинг ўртача нархи (тарифи) (i);

P_{ji} - “муомаладаги нарх” деб номланувчи турли савдо ташкилотларида (хизмат кўрсатиш соҳасида) (j) аниқ истеъмол хусусиятига эга товар (хизмат)ларнинг рўйхатга олинган нархи (i);

n - муомаладаги нархлар сони.

41. Маълумотларни шакллантириш ва узатиш схемаси:

а) ҳар ойда қайд этилган истеъмол нархлари ва тарифлари бўйича маълумотлар рўйхатга олувчи томонидан амалдаги дастурий таъминотда ўрнатилган 5-парх (ist) “Товар (хизмат)лар истеъмол нарх (тариф)ларини рўйхатга олиш бланкаси”нинг электрон шаклига мувофиқ планшет қурилмасига киритилади. Киритилган маълумотлар асосида туман (шаҳар) бўйича маълумотлар базаси шаклланади ва унга Давлат статистика қўмитаси учун автоматик равишда кириш имкони бўлади;

б) ҳудудий статистика органлари маълумотлар базаси бўйича барча ахборотлар сифатини назорат қиладилар. Бу асосан нарх (тариф)ларнинг максимал ва минимал қийматига нисбатан шубҳа уйғотса, шунингдек, талаб этиладиган ўлчов бирлигига ўтказишни ҳисобга олган ҳолда миқдорий хусусиятларга риоя қилишга, маълумотларнинг қиёсийлигини таъминлашга ва ахборотни мантиқий таҳлил қилишга тегишлидир. Маълумотлар юзасидан саволлар вужудга келган тақдирда, рўйхатга олувчи аниқ тушунтириш бериши ёки яна бир бор нарх (тариф)ларни жойларга чиққан ҳолда қайта текшириб келиши ва натижаси бўйича хабар бериши лозим;

в) Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

олинган маълумотларнинг сифатини назорат қилиш, ҳудудлар, товарлар ва хизматлар бўйича ўртача қийматлар ва уларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш, нарх (тариф)лар ўзгариши сабабларини аниқлаш мақсадида ҳудудий статистика бошқармалари билан ишлаш;

республика, ҳудудлар бўйича ўртача нарх ва тарифларнинг умумий йиғма натижаларини шакллантириш, товарлар ва хизматлар гуруҳи ҳамда алоҳида товарлар ва хизматлар бўйича индексларни ҳисоблаш;

Давлат статистика ишлари Дастурида белгиланган муддатларда фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш;

ҳисобланган нарх (тариф) индексларини белгиланган муддатларда ҳудудий статистика бошқармаларига етказиш.

8. Умумлаштирилган ИНИни ҳисоблаш учун салмоқ вазнларни шакллантириш тартиби

42. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уй хўжаликларининг танланма кузатуви асосида шакллантирилган уй хўжаликларини истеъмол харажатлари тўғрисидаги якуний маълумотлар базаси, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибини шакллантириш, шунингдек, йиғма ИНИни ҳисоблашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

43. Уй хўжаликлари истеъмол харажатлари, истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишга йўналтирилган пул харажатларининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Уй хўжаликларининг пул харажатлари – кузатув ўказилаётган маълум давр мобайнида уй хўжаликлари аъзолари томонидан сарфланган ҳақиқий харажатлар йиғиндисини, шунингдек, истеъмол харажатлари ва истеъмол билан боғлиқ бўлмаган харажатларни ҳам ўз ичига олади.

Уй хўжаликлари истеъмол харажатларига сармоя жамғармалар, инвестиция қилиш мақсадида сарфланган товарлар ва хизматлар нархи қўшиб ҳисобланмайди, шунингдек аниқ бозор нархи мавжуд бўлмаган товарлар ҳам бундан мустасно эмас (шахсий томорқа хўжаликларида етиштирилган кишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмоли). Жумладан, истеъмол харажатлари таркибига, санъат асарларини, антиквариат сотиб олиш харажатлари, асосий капиталга сармоя ҳисобланадиган турар жой ва қўшимча хоналарни қуриш ҳамда капитал таъмирлаш учун сарфланган материаллар ва иш ҳақи тўлови харажатлари киритилмайди. Аҳоли истеъмол харажатлари таркибига даромад солиғи, жамғармалар, пенсия жамғармаларига бадаллар ҳам киритилмайди.

44. Товарлар ва хизматлар истеъмоли ҳудудий жihatдан бир-биридан тубдан фаркланмаслигини инобатга олиб, ИНИ ҳисоб-китоби учун салмоқ вазнлар республика бўйича шакллантирилади.

45. Салмоқ вазнларни ҳисоблаш Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади.

46. Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари товарлар ва хизматлар гуруҳларининг умумлаштирилган маълумотлари алоҳида моддалар бўйича тақдим этилган. ИНИ ҳисоблаш учун эса ҳар бир товар (хизмат) ўз оғирлигига эга бўлиши кераклиги туфайли, уй хўжаликлари харажатлари кичиклаштирилади ва қайта тақсимланади.

47. ИНИни ҳисоблаш учун салмоқ вазнларни шакллантиришда нисбий кўрсаткичлар – коэффициентлардаги улушлардан фойдаланилади.

48. Аҳоли истеъмол харажатлари тузилиши асосида салмоқ вазнларни шакллантириш учун маълумотлар базасини тайёрлашнинг асосий босқичлари куйидагилардан иборат:

ИНИни ҳисоблаш учун уй хўжаликларининг алоҳида вакил-товар (хизмат)лар харажатларини моддалар бўйича тақсимлаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

алгоритмларда фойдаланиладиган уй хўжаликларининг харажатлари тақсимотининг коэффитциентларини аниқлаш;

коэффициентларни ҳисоблашда уй хўжалиги харажатлари салмоқ вазнларида истеъмолнинг реал ҳажмига мос келадиган даражагача спиртли ичимликлар улушини ошириш ва айрим товарлар ва хизматлар улушини қисқартириш мақсадида ўзгартиришлар амалга оширилади;

тегишли коэффицентларни қўллаш йўли орқали, вакил-товарлар (хизматлар) йиғиндисининг алоҳида турлари бўйича тақсимланган уй хўжаликларининг ўртача йиллик харажатлари актуаллаштирилади.

49. Услубни танлаш уй хўжаликлари харажатлари тузилиши ҳақида олинадиган охирги маълумотларнинг мавжудлигига боғлиқ.

50. Алгоритмлар шаклланиши услубларини аҳоли истеъмол харажатлари структурасининг алоҳида позициялари бўйича уй хўжаликлари харажатларини тақсимлаш усулига қараб, учта гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Уй хўжаликлари харажатлари йиғиндисиди моддалар бўйича айнан позицияларига кўра бир-бирига мос келадиган вакил-товар (хизмат)лар гуруҳини бевосита жалб қилиш усули.

Масалан, уй хўжаликлари харажатларида “эркаклар мўйнали бош кийими” қисмида назарда тутилган харажатлари, умумий аҳоли истеъмол харажатлари тузилишида – “эркаклар мўйнали бош кийими” позицияси бўйича бутунлигича қўшилади;

2) Уй хўжалиги харажатларида икки ёки ундан ортиқ айнан ўхшаш вакил-товар (хизмат)лар гуруҳида улушлар бўйича (коэффициентлар ёрдамида) тақсимлаш усули.

Улуш коэффицентларини аниқлаш – савдо, саноат ва хизматлар бўйича кўрсатилган савдо ва хизматлар ҳажми, шунингдек, ижтимоий соҳа статистикаси маълумотлари асосида амалга оширилади.

3) Вакил-товар (хизмат)лар йиғиндисиди бир хил позицияга эга бўлмаган, алоҳида моддалар бўйича назарда тутилган, уй хўжалиги харажатларини шартли қўшиш ёки тақсимлаш усули.

Масалан, уй хўжалиги харажатларида “Синтетик гиламлар” қисми бўйича назарда тутилган товар ИНИ тўпламида мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ушбу товар салмоғи истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда “Синтетик паласлар” таркибига киритилади.

51. Уй хўжалиги харажатларини алоҳида турдаги вакил-товар (хизмат)лар учун улушли ёки шартли равишда тақсимланиш усулларини қўллаш мақсадида алгоритмлар билан тақсимлаш коэффицентларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Аҳолининг истеъмол харажатлари таркибини тақсимлаш коэффициентларидан фойдаланган ҳолда уй хўжаликлари харажатлари тақсимоти, асосан, тегишли тоифадаги синфлар, тоифалар, товар турлари бўйича амалга оширилади.

52. ИНИни ҳисоблаш учун, истеъмол харажатлари таркибида вакил-товар (хизмат)лар йиғиндиси алоҳида позициялари салмоғини аниқлаш учун, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, қўшимча маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин:

-маҳсулотнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш, чакана товар айланмаси структураси, уй-жой коммунал хўжалиги фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва статистиканинг бошқа тармоқлари фаолияти ҳақидаги статистик маълумотлар;

маълумотларнинг бошқа манбалари (масалан, солиқ органлари маълумотлари);

мутахассислар ҳисоб-китоблари ва баҳолаш усулларини қўллаш натижасида шакллантирилган кўрсаткичлар.

53. Уй хўжаликлари харажатлари, вакил-товар (хизмат)лар йиғиндиси ҳолатлари бўйича ИНИни ҳисоблаш учун гуруҳларнинг қайта тақсимланганидан сўнг, уй хўжаликларининг аввалги йилларга мўлжалланган айнан шу каби гуруҳ харажатлари маълумотлари билан таққосланади.

54. Халқаро амалиёт тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, уй-хўжаликлари томонидан аксарият ҳолатларда спиртли ичимликларга сарфланган аниқ харажатлар анъанавий тарзда харажатларнинг тегишли қисмида тўлиқлигича акс эттирилмайди. Ҳудди шундай ҳолат Ўзбекистон учун ҳам хосдир.

Аҳоли истеъмоли харажатларида спиртли ичимликларнинг ҳақиқий салмоғини аниқлашда, савдо статистикасининг чакана савдо бўйича спиртли ичимликларнинг сотув ҳажми ва унинг чакана савдодаги улуши тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Аҳоли истеъмол харажатларида спиртли ичимлик харажатлари улушини реал истеъмоли даражасига келтиришга – уй хўжаликлари статистикасида назарда тутилган спиртли ичимликларга харажатлар улуши (микдори)ни орттириш ва уларни ўз навбатида бошқа моддалар бўйича харажатларини камайтириш йўли орқали эришилади.

55. Товарлар ва хизматларнинг ИНИни ҳисоблашда таянч давр нархлари сифатида ҳисобот давридан аввалги йилнинг декабрь ойидаги нархлар олинади. Салмоқ вазн кўрсаткичлари эса – аҳоли истеъмол харажатларининг сўнгги 4 та тугалланган чорак (12 ой) маълумотлари таркибидан олинади ва ушбу кўрсаткичларнинг таққосланувчанлигини таъминлаш зарур.

ИНИни ҳисоблаш учун истеъмол харажатлари тузилишини ишлаб чиқиш мақсадида, актуализация коэффициентларидан фойдаланган ҳолда бир қанча қўшимча ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Актуализация коэффициентларини ҳисоблаш аввалги йил маълумотлари асосида амалга оширилади.

$$K_{aktual} = \frac{LTR_{dek,y-1}}{\sum_{n=1}^{12} (LTR_{n,y-1}) / 12}$$

бунда:

- LTR_{dek} - таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан декабрь ойи учун мос равишда товар (хизмат)лар гуруҳининг узоқ муддатли нарх индекси¹;
- LTR_n - таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан n ойининг узоқ муддатли нарх индекси;
- n – ой рақами (январь учун -1, февраль учун -2 ва ҳ.к.);
- $y-1$ - индекслар ҳисобланадиган ва солиштирама вазнлардан фойдаланиладиган йилга нисбатан аввалги йил.

56. Аҳоли истеъмол харажатлари тузилишининг алоҳида йўналишлари бўйича салмоқларни ҳисоблашнинг мажбурий шarti – ҳар бир йўналиш бўйича ўртача йиллик харажатларнинг актуализация коэффициентлари мавжудлиги ҳисобланади. Бунга кўра, аҳоли истеъмол харажатлари тузилиши салмоғи аниқланиб, йил бошидан кузатувга қайта киритилган (улар учун аҳоли истеъмол харажатлари тузилиши шакллантирилади) позициялар ҳам шулар қаторига киради.

Мазкур позициялар бўйича актуализация коэффициентларини аниқлаш – аввалги йил учун яқин бўлган ёки гуруҳларга оид позициялар бўйича мавжуд актуализация коэффициентларидан фойдаланилади.

57. ИНИни шакллантиришда фойдаланиладиган салмоқ вазнлар тизимини қайта кўриб чиқиш ҳар йили амалга оширилади.

9. Худудлар ва республика бўйича ИНИни ҳисоблаш.

1-§. Худудлар бўйича ИНИни ҳисоблаш.

58. Худудий статистика органларидан олинган ўртача нархлар тўғрисидаги маълумотлар асосида, дастлабки босқичда Давлат статистика қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўртача нарх индексини ҳисоблаш амалга оширилади.

59. Мазкур кўрсаткичларни ҳисоблаш шартларидан бири бу - ҳисобот ва таянч даврлардаги нархларга оид маълумотларни тўлиқ таққослаш мумкинлиги ҳисобланади. Индексларни ҳисоблашда икки “қўшни” даврларда айнан бир хил савдо (хизматлар доираси) ташкилотларида, муайян истеъмол хусусиятларига эга бўлган бир хил товар (хизмат)лар учун қайд этилган нархлар тўғрисидаги маълумотлар қўшиб ҳисобланади.

¹ Узоқ муддатли нархлар индексини ҳисоблаш услуги - 9 “Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш” бўлимида келтирилган.

Бу эса ўз навбатида, тузилишига ва ассортиментга оид силжишлар таъсирини истисно этиш имконини беради.

60. Ўртача нархларнинг қисқа муддатли индекслари ҳар бир товар (хизмат) бўйича қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$STR_{jit} = \frac{\overline{P_{jit}}}{P_{jit-1}}$$

бунда:

STR_{jit} – ҳудуд учун (j) аввалги ойга нисбатан товар (хизмат) (i) ҳисобот оyi (t) ўртача нархнинг қисқа муддатли индекси;

$\overline{P_{jit}}$ – ҳудуд учун (j) товар (хизмат)нинг ҳисобот ойидаги (t) ўртача геометрик нархи (тарифи);

P_{jit-1} - ҳудуд учун (j) товар (хизмат) (i) аввалги ойдаги ($t-1$) ўртача геометрик нархи (тарифи).

61. Товар (хизмат) учун ўртача нарх индекслари асосида муайян ҳудудлар бўйича турли босқичларда агрегатланган нарх индекслари аниқланади.

62. Ҳисоб-китоблар Ласпейреснинг модификацияланган формуласи асосида, таянч давр салмоқ вазнлари тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Модификация шундан иборатки, охириги нарх индекси кўрсаткичи ҳар бир давр таянч салмоғига кўпайтирилади. Бундай ёндашув ҳисоб-китоблар олиб борилишида узлуксизликни таъминлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва сотишнинг барқарор бўлмаган ҳолатларида товарларни алмаштириш вазифасини осонлаштиради.

63. Ҳисоб-китоб қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

$$\begin{aligned} 1. LTR_{jit} &= \prod_{n=1}^t STR_{jni} \\ 2. V_{jit} &= W_i \times \prod_{n=1}^t STR_{jni} \\ 3. LTR_{jt,gr} &= \frac{\sum_{i=1}^g V_{jit}}{\sum_{i=1}^g W_i} = \frac{V_{jt,gr}}{W_{gr}} \\ 4. STR_{jt,gr} &= \frac{LTR_{jt,gr}}{LTR_{jt-1,gr}} \end{aligned}$$

бунда:

- LTR_{jit} - жорий ойдаги (t) ҳудуд бўйича (j) товар (хизмат)нинг (i) таянч даври декабрь ойига нисбатан узоқ муддатли нарх индекси;
- STR_{ji} - ҳисобот ойининг ўтган ойга нисбатан товар (хизмат) (i) бўйича ҳудуд учун (j) қисқа муддатли ўртача нарх индекси;
- $STR_{jt,gr}$ - ҳисобот ойининг ўтган ойга нисбатан товар (хизмат) (i) гуруҳи (кичик гуруҳ) бўйича ҳудуд учун (j) қисқа муддатли ўртача нарх индекси;
- $LTR_{jt,gr}$ - жорий ойда (t) таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан ҳудуд учун (j) товар (хизмат)лар гуруҳи (кичик гуруҳ) бўйича узоқ муддатли нарх индекси;
- V_{jit} - ҳудуд бўйича (j) жорий ойда (t) товар (хизмат)нинг (i) нархи салмоғи;
- W_i - товар (хизмат)(i)нинг салмоқ вазни;
- n - ой рақами (январь учун -1, февраль учун -2 ва ҳ.к.);
- g -гуруҳ (кичик гуруҳ)га кирувчи товар (хизмат)лар миқдори.

2-§. Ўзбекистон Республикаси бўйича истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш

64. Республика бўйича ИНИни шаклланиш алгоритми қуйидаги ҳисоб-китоб турларини ўз ичига олади:

$$1. LTR_{O'zR,it} = \frac{\sum_{j=1}^m D_j \times \prod_{n=1}^t STR_{jni}}{\sum_{j=1}^m D_j}$$

бунда, m - товар (хизмат) мавжуд бўлган ҳудудлар миқдори.

$$2. STR_{O'zR,it} = \frac{LTR_{O'zR,it}}{LTR_{O'zR,t-1i}}$$

$$3. V_{O'zR,it} = W_i \times \prod_{n=1}^t STR_{O'zR,ni}$$

$$4. LTR_{O'zR,t,gr} = \frac{\sum_{i=1}^g V_{O'zR,it}}{\sum_{i=1}^g W_i} = \frac{V_{O'zR,t,gr}}{W_{gr}}$$

$$5. STR_{O'zR,t,gr} = \frac{LTR_{O'zR,t,gr}}{LTR_{O'zR,t-1,gr}}$$

бунда:

- $LTR_{O'zR,it}$ - республика бўйича жорий ойдаги товар (хизмат)нинг (i) таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан узоқ муддатли нарх индекси (t);

D_j	- республика умумий аҳоли харажатларида ҳар бир ҳудуд аҳоли харажатларининг улуши (j);
STR_{jni}	- ҳудуднинг (j) товар (хизмат)лари (i) бўйича ўтган ойга нисбатан жорий ойдаги (n) қисқа муддатли ўртача нархлари индекси;
n	- ой рақами (1-январь, 2-февраль ва ҳ.к.);
$STR_{O'zR,it}$	- республика бўйича товар ёки хизмат (i)нинг ўтган ойга нисбатан жорий ойдаги (t) қисқа муддатли нарх индекси;
$LTR_{O'zR,it-1}$	- республика учун ($t-1$) аввалги ойдаги товар (хизмат) (i) бўйича асосий йилнинг декабрига нисбатан узоқ муддатли нарх индекси;
$V_{O'zR,it}$	- республика учун жорий ойда (t) товар (хизмат) (i)нинг нарх салмоғи;
$V_{O'zR,t,gr}$	- республика учун жорий ойда (t) товарлар ёки хизматлар гуруҳи (кичик гуруҳи) нархининг салмоғи;
W_i	- товар ёки хизматнинг (i) салмоқ вазни;
W_{gr}	- товарлар ёки хизматлар гуруҳи (кичик гуруҳи)нинг салмоқ вазни;
g	- гуруҳ (кичик гуруҳ)га кирувчи товарлар (хизматлар) миқдори;
$STR_{jt,gr}$	- ҳудуд учун (j) товар (хизмат)лар гуруҳи (кичик гуруҳи) бўйича (t) ўтган ойга нисбатан жорий ойдаги қисқа муддатли ўртача нарх индекси;
$LTR_{jt,gr}$	- ҳудуд учун (j) товар (хизмат)ларнинг гуруҳ (кичик гуруҳ)лар бўйича таянч йилнинг декабрига (t) жорий ойдаги узоқ муддатли нарх индекси;
$LTR_{jt-1,gr}$	- ҳудуд учун (j) гуруҳ (кичик гуруҳ)лар бўйича таянч йилнинг декабрига (t) ўтган ойдаги узоқ муддатли нарх ($t-1$) индекси.

65. Ҳудудлар бўйича товар ва хизматларнинг алоҳида турлари учун нархларнинг агрегатланган индексдан ва уй ҳўжаликларининг умумий истеъмол харажатларида уларни сотиб олган харажатлари улушидан келиб чиқиб, товарлар ва хизматларнинг алоҳида кичик гуруҳи бўйича йириклаштирилган гуруҳлардан **умумий нарх индекслари** шакллантирилиб (масалан, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат товарлар ва хизматлар), шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси бўйича ИНИ аниқланади.

3-§. Турли таянч даврлар бўйича ИНИни ҳисоблаш

66. **Ҳар ойда** аввалги ойга нисбатан нарх индекслари ҳисобланишидан ташқари, ўтган йилнинг декабрь ойига, ўтган йилнинг мос ойига ҳамда йил бошидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан нарх индекслари ҳисобланади.

67. Ҳам ҳудудлар, ҳам республика учун юқорида қайд этилган индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан:

$$LTR_{2t} = \prod_{n=1}^t STR_n$$

бунда:

LTR_{2t} - ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий ойдаги (t) нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

STR - ўтган ойга нисбатан n – ойи учун нархларнинг қисқа муддатли индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

t - жорий ой;

n - ойнинг тартиб рақами.

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан:

$$1. LTR_{3t} = \frac{LTR_{t,g}}{LTR_{t,g-1}}$$

бунда:

LTR_{3t} - ўтган йилнинг мос ойига нисбатан жорий ой (t) нархларнинг индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

LTR_t - таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий ой (t) нархлари индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

t - жорий ой;

g - жорий йил;

$g-1$ - ўтган йил.

йил бошидан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан:

$$LTR_{4t} = \frac{\sum_{n=1}^t LTR_g}{\sum_{n=1}^t LTR_{n,g-1}}$$

бунда:

LTR_{4t} - ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, январь ойдан бошлаб жорий ойгача (t) бўлган нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

LTR_n - таянч йилнинг декабрига нисбатан n - ой учун нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

t - жорий ой;

g - жорий йил;

$g-1$ - ўтган йил.

68. **Ҳар чоракда** аввалги чоракка нисбатан шу чоракдаги нархлар индекслари ва аввалги йилнинг тегишли чорагига нисбатан шу чоракдаги нархлар индекслари аниқланади.

Мазкур индексларни ҳисоблашда қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

жорий чорак, ўтган чоракка нисбатан:

$$1. LTR_{5kv} = \frac{\sum_{k=1}^3 LTR_{k,kv}}{\sum_{k=1}^3 LTR_{k,kv-1}}$$

бунда:

LTR_{5kv} - ўтган чоракка нисбатан жорий чоракдаги нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

LTR_k - таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг k - оyi учун нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

k - ҳар бир чоракдаги ойнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);

kv - жорий чорак;

$kv-1$ - ўтган чорак

жорий чорак, ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан:

$$1. LTR_{6kv} = \frac{\sum_{k=1}^3 LTR_{k,g}}{\sum_{k=1}^3 LTR_{k,g-1}}$$

бунда:

LTR_{6kv} - ўтган йилнинг мос чорагига нисбатан жорий чоракдаги нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

LTR_k - таянч йилнинг декабрь ойига нисбатан чоракнинг k - оyi учун нархлар индекси (товар ёки хизмат, гуруҳ ёки кичик гуруҳ, барча товарлар ва хизматлар бўйича – жамланган маълумот);

- k - ҳар бир чоракдаги ойнинг тартиб рақами (январдан мартгача, апрелдан июнгача ва ҳ.к.);
- g - жорий йил;
- $g-1$ - ўтган йил.

4-§. Нархлар индекслари ўртача ойлик кўрсаткичларини ҳисоблаш

69. Юқорида санаб ўтилган индекслардан ташқари, ўртача ойлик ИНИни ҳисоблашда ўртача геометрик қиймат формуласидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади.

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{STR_1 \times STR_2 \times \dots \times STR_n}$$

бунда :

- $\overline{I_p}$ - биринчи ойдан бошлаб n – ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик индекс;
- STR - ўтган ойга нисбатан ҳар бир ой учун қисқа муддатли нарх индекси;
- n - ойлар сони.

Йил бошидан ўртача ойлик нарх индексларини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\overline{I_p} = \sqrt[n]{LTR_{2n}}$$

бунда:

- $\overline{I_p}$ - январь ойидан бошлаб n – ойгача бўлган давр учун ўртача ойлик индекс;
- LTR_2 - ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий йилнинг n - ойидаги нарх индекси;
- n - ойнинг тартиб рақами.

70. ХВЖ томонидан ишлаб чиқилган кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (к-МТУТ) га мувофиқ, ИНИ маълумотлари ҳар ойда белгиланган жадвалига мувофиқ нашр этилади. Маълумотлар бир вақтнинг ўзида барча фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали пресс-релиз, тезкор маълумотлар, жадвалли материаллар кўринишида тарқатилади. Гуруҳлар, синфлар ва товарлар турлари бўйича нархларнинг ўзгариши тўғрисида батафсил маълумотлар эса статистик бюллетен ва тўпламларда эълон қилинади.

Фойдаланувчиларга ёрдам тариқасида нархлар индекси қисқа услубий тушунтиришлар билан бирга эълон қилинади.

Нашрлар ва расмий хабарларда товарлар ва хизматларнинг ИНИ тўғрисидаги маълумотлар вергулдан кейин битта ўнлик белги билан жойлаштирилади.

71. Мазкур услубий Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Марказий банк раиси
ўринбосари**

“26” ноябрь 2020 йил



Б. Ҳамраев

**Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш
вазирининг биринчи ўринбосари**

“21” декабрь 2020 йил



И. Норкулов

“Товарлар ва хизматларнинг истеъмол
нархлари (тарифлари) кузатувини
ташкил этиш ҳамда индексларни
ҳисоблаш бўйича услубий низом”га
1-илова

Кузатувнинг умумий тамойиллари

1. Товар (хизмат)ларнинг истеъмол нархларини рўйхатга олиш

1. Товарлар ва хизматлар нархлари ва тарифларини рўйхатга олиш ҳудудий давлат статистика органлари томонидан амалга оширилади.

2. ИНИни ҳисоблаш учун маълумот тўплаш, ҳар ҳисобот ойининг 10-санасидан 20-санасигача, товарлар ва хизматларнинг аниқ турлари нархларини рўйхатга олиш йўли орқали амалга оширилади. Маълумотлар тўплаш бўйича ишлар шу давр мобайнида мунтазам равишда олиб борилиши зарур.

3. Нарх тўғрисидаги ахборотларни тўплаш жараёнида, бир ойда икки марта нархларни қайд этиш оралиғини ушлаб туриш мақсадида, айнан шу товарлар ва хизматларга ҳамда айнан шу савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларидаги нархларни қайд этишнинг белгиланган муддатларига риоя қилиш зарур.

4. Ҳар бир товар (хизмат) тури нархларини қайд этиш учун алоҳида бланкдан фойдаланилади. Бланкни тўлдиришдан мақсад – ҳар бир вилоят ҳудудлари бўйича ва жами республика бўйича ойлик ИНИни ҳисоблаш учун зарур бўладиган таққослама нарх (тариф)ларни тайёрлашдир.

5. Рўйхатга сотувда мавжуд бўлган товар (хизмат)нинг амалдаги нархи (тарифи) (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа билвосита солиқларни қўшган ҳолда) олиниши лозим.

6. ИНИни ҳисоблаш учун фойдаланишда юқори даражада аниқ ва ҳаққоний маълумот олишнинг асосий шартларидан бири бўлиб, ҳисобот ва таянч даврлардаги нарх (тариф)ларнинг қиёсийлигига риоя этиш ҳисобланади.

7. Ҳисобот йили давомида ҳар бир товар (хизмат)га рўйхатга олинadиган нарх котировкаларининг бир хил миқдорга эга бўлиши, нарх (тариф)лар қиёсийлигининг зарурий шarti ҳисобланади. Бу қоида амал қилмаган ҳолатларда, ҳисобланган нарх (тариф) индексларининг аниқлиги етарли бўлмаслиги мумкин.

Масалан, агар бирор бир намуна-товарга таянч даврда 6 та нарх, ҳисобот даврида эса 5 та нарх рўйхатга олинган бўлса ва ўртача нархлар ҳисоб-китоби, шунингдек, уларнинг ўзгариши ҳар бир даврда барча рўйхатга олинган нарх котировкалари асосида амалга оширилса, унда ўртача нарх ўзгариши қайд қилиниши мумкин, чунки бу вақтда барча нархлар ўзгаришсиз қолган ҳолда, фақат мазкур товарнинг (базис даврда нархи рўйхатга олинган) аниқ бир тури сотувда йўқ бўлган бўлади.

Қуйида бундай ўзгаришнинг нархлар индексига таъсирининг шартли намунаси келтирилган:

Савдо (хизмат кўрсатиш) объектининг номи	Ўтган ой нархи, сўм	Жорий ой нархи, сўм	Нарх ўзгариши, %
<i>A</i>	<i>B</i>	<i>C</i>	$D=C/B \times 100$
1-сонли савдо нуқтаси	1000	1000	100,0
2-сонли савдо нуқтаси	1100	1100	100,0
3-сонли савдо нуқтаси	1500	1500	100,0
4-сонли савдо нуқтаси	1150	1150	100,0
5-сонли савдо нуқтаси	1350	1350	100,0
6-сонли савдо нуқтаси	1300	-	-
ўртача нарх:	1222,01	1206,99	98,8

Нархлар котировкалар сонининг ўзгаришини ҳисобга олмасдан, ушбу шартли мисол учун нархлар индекси 100 % ни ташкил этади.

Савдо (хизмат кўрсатиш) объектининг номи	Ўтган ойдаги нарх, сўм	Жорий ойдаги нарх, сўм	Нарх ўзгариши, %
<i>A</i>	<i>B</i>	<i>C</i>	$D=C/B \times 100$
1-сонли савдо нуқтаси	1000	1000	100,0
2-сонли савдо нуқтаси	1100	1100	100,0
3-сонли савдо нуқтаси	1500	1500	100,0
4-сонли савдо нуқтаси	1150	1150	100,0
5-сонли савдо нуқтаси	1350	1350	100,0
6-сонли савдо нуқтаси	1300*	-	-
ўртача (таққослама) нарх:	1206,99	1206,99	100,0

*) *икки таққосланаётган даврда нарх котировкаларининг қиёсийлигини таъминлаш мақсадида нарх ҳисоб-китобдан чиқарилади.*

8. ИНИни ҳисоблашда ёнма-ён даврларда нарх маълумотларининг қиёсийлигини ва уларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун намуна-товар (хизмат)ларни алмаштириш усулини қўллаш тавсия этилади.

9. Агар, бирор сабабга кўра, илгари рўйхатга олинган товар жорий ойда сотувга чиқмаган бўлса, айнан шунга ўхшаш товар бирлиги нархи рўйхатга олинади. Бундай ҳолатда, товар солиштирув мезонига мувофиқ танланади. Агар олдинги ойда танланган товар бўйича маълумот тўплаш ёки унга эквивалент товар топиш имкони бўлмаса, баъзи ҳолларда маълумот тўплаш учун янги савдо объектдан фойдаланишга тўғри келади. Янги савдо объектдан йиғилган маълумотлар янги қаторга киритилади. Иккала объект ҳам келгусида айнан шундай товар нархлари тўғрисида доимий маълумот олиш учун танланган савдо объектлари рўйхатида қолади. Бу маълумотлар (қаторлар) бўйича, турли объектлардан олинган нархлар жорий ой учун нархлар ўзгаришининг нисбий кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланилмаслиги тўғрисида белги қўйилади.

10. Қуйидагиларни рўйхатга қўшишга рухсат этилмайди:

а) ифлосланган, ишлаб чиқариш нуқсони бўлган товарлар;

б) сақлаш муддати тугаган озиқ-овқат маҳсулотлари;

в) мавсум бошида бозорга чекланган миқдорда кириб келган ва ҳали оммавий истеъмолда бўлмаган ҳолда ўта юқори нархларда таклиф этилаётган товарлар;

г) савдо объектининг ёпилиши олдидан, мавсум охирида ёки бошқа сабабларга кўра пасайтирилган нархларда сотилаётган товарлар;

д) чегирмалар ва арзон нархда сотиб тугатишлар, булар одатда эскирган, товар кўринишини йўқотган, маънавий эскирган, урфдан чиққан, бузилган ёки нуқсонли, тугатиш арафасида арзон нархларда сотиладиган товарларга нисбатан қўлланилади.

11. Мавсумий сотиб тугатиш нархлари қуйидаги бир неча сабабларга кўра инобатга олинмайди:

а) янги мавсум бошланганда, сотувга келиб тушган янги мавсум товар нархларини ўтган мавсум товарларининг пасайтирилган нархлари билан солиштириш тўғри эмас, бундай ҳолатда қайд қилинган нарх ўсиши асоссиз юқори бўлиши мумкин;

б) пасайтирилган нарх бўйича савдо қилиш доимий ва кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланмайди;

в) арзон нархда сотиб тугатиш ёки чегирма нархлари бўйича сотилаётган товарлар, ҳажми жиҳатидан анча чекланган бўлади.

12. Вақтинчалик қўшимча товар бирлиги қўшиб бериладиган товарлар нархлари (масалан, 20 фоиз бепул), шунингдек, “2 та сотиб ол, 1 тасини текин ол” кўринишидаги махсус акциялар ёки ҳар бир товарга совға қўшиб берилиши ҳоллари ҳисобга олинмаслиги зарур.

2. Товарларни солиштириш (таққослаш) мезонлари

13. Рўйхатга олувчи, муайян турдаги товарни, уни алмаштириш учун танлаб олинган ва келгусида нархларни рўйхатга олиши мўлжалланган товар билан таққослаш имкони бор ёки йўқлигини аниқлаши лозим.

14. Бунинг учун қуйидаги асосий мезонлардан фойдаланиш лозим:

а) қандай кўра, турли савдо объектларидаги бир хил турдаги товарларни ўзаро солиштириш ва мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларни таққослаш тавсия этилмайди. Бироқ, баъзи ҳолларда, агар регистратор икки хил савдо объектларида товарлар турини сотиш сифати ва шартлари мутлақо бир хил деган хулосага келса, у ҳолда қатъий назорат остида нархларни тўғридан-тўғри таққослаш мумкин;

б) бир мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни, агар уларнинг сифати деярли бир хил бўлса таққослаш мумкин. Хусусан, кийим-кечак бўйича фақат айнан бир ишлаб чиқарувчининг товарларини танлаш имкони мавжуд бўлмаган ҳолларда, турли ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган товарларни таққослаш мумкин;

в) асосан фақат ўлчами бўйича фарқ қилувчи бир хил моделдаги кийим-кечак нархларини таққослаш мумкин. Бирок, агарда турли ўлчамдаги бир модель нархида сезиларли фарқ мавжуд бўлса, бу нархлар таққосланмайди.

15. Товарларни таққослаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашнинг умумий тамойили, бу уларнинг фарқи нархга таъсир этишини билишдир. Одатда товарларнинг нархини белгилаб берувчи истеъмол сифатларида сезиларли фарқ бўлмаса, уларни таққослаш мумкин бўлади. Таққослаш мезонларининг қанчалик қатъий бўлишини рўйхатга олувчининг ўзи ҳал қилади. Агар бу мезонлар жуда қатъий бўлса, у ҳолда индекс чегараланган нарх миқдори асосида ҳисобланади ва бу ҳолат уларнинг ҳақиқий ўзгаришини акс эттирмаслиги мумкин. Агарда улар жудаям ноаниқ бўлса, нарх индекси сифат ўзгаришини нарх ўзгариши сифатида акс эттиради.

3. Мавсумий мева ва сабзавот нархларини рўйхатга олиш ва ҳисоблаш

16. Бир неча ойлар мобайнида бозорлардан тўлиқ йўқоладиган товарларни рўйхатга олувчи томонидан шартли равишда ҳар ой ҳисоблаб борилади. Жорий йилда бозорга товарнинг келиб тушиши билан йиғилган янги нархларнинг ҳар бирини таққослаш учун ўтган ойдаги шартли ҳисобланган нархларнинг мавжуд бўлиши учун, ўтган мавсум охирида йиғилган нархлар ҳар ой янгилаб борилади. Шу тарзда, индексда янги мавсумда олинган нархларни биринчи марта ҳисобга олиш мумкин.

17. Бу усулдан фойдаланиш натижасида, индексларда баъзи ойларда кескин ўзгаришлар кузатилиши мумкин, аммо бу услубият жиҳатидан тўғри ҳисобланади ва бозор шартларини акс эттиради. Индексларнинг бу кўтарилишлари ҳар йили айнан бир хил ойларга тўғри келиши лозим ва натижада йил учун нарх ўзгариши динамикасига таъсир кўрсатмайди.

18. Шартли нархни ҳисоблаш "шартли умумий ўртачани ҳисоблаш" усулидан фойдаланган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу усул мавжуд бўлмаган таққосланадиган нархларда мазкур элемент учун ўртача нарх ўзгаришидан фойдаланиб, етишмаётган товар учун нархларни баҳолашни ўз ичига олади. Олинган нарх ўзгариши киймати етишмаётган товарнинг нархини ҳисоблаш учун ишлатилади.

“Шартли умумий ўртачани ҳисоблаш” усули бўйича “Юмалоқ бошоқли гуруч” нархларини ҳисоблаш:

Товар номи	Ўтган ойдаги нарх, сўм	Жорий ойдаги нарх, сўм	Нарх ўзгариши, баравар
А	В	С	$D=C/B$
Авангард	10 000	10 500	1,050
Аланга	12 000	13 000	1,083
Супер аланга	14 500	-	
Шартли равишда ҳисобланган (Супер аланга) товар нархи		15 457	Шартли нарх нисбати 1,066
Товар бўйича элементар индекс (ўртача геометрик)			1,066

1-босқич: Шартли нарх нисбати 1 ва 2 тоифадаги товарларнинг ўртача геометрик киймати орқали ҳисобланади: $1,066 = \sqrt[2]{1,050 \times 1,083}$.

2- босқич: Учинчи турдаги етишмаётган маҳсулот учун ҳисобот ойининг нархи ўтган ойнинг нархини шартли нарх нисбатига кўпайтириш йўли билан аниқланади: $14\,500 \times 1,066 = 15\,457$ сўм

Шу йўл билан шартли ҳисобланган нархлар кейинги йилда мева ва сабзавотлар пайдо бўлгунга қадар янгилаб борилади.

19. Мавсумий мева ва сабзавотлар савдода бутунлай йўқ бўлган ҳолларда, шартли нархларни ҳисоблаш учун қуйидаги индексларни қўллаш тавсия этилади:

- а) мева ва полиз маҳсулотлари бўйича – олма нархининг ўзгариши;
- б) сабзавотлар бўйича – пиёз нархининг ўзгариши.

20. Ҳосили йилда бир неча бор бозорга кириб келадиган, йил давомида мавжуд бўладиган товарлар (картошка, сабзи, лавлаги ва бошқалар) бўйича қуйидаги ҳисобга олиш шартлари қўлланилади: масалан, бозорда картошканинг янги ва эски ҳосили мавжуд бўлган ойларда, уларни бир турдаги товар сифатида ҳисобга олиш керак ва танловга ўтган йилги ёки янги картошка кирганлигидан қатъий назар, ҳар ойда оддий ўртача нархни ҳисоблаш лозим, яъни ўтган ой билан таққосланиши ҳисобга олинмайди. Бироқ, товарларни танлаб олишда маълум бир нисбатларга риоя қилиш зарур.

21. Агар рўйхатга олувчи ҳар ойда йил давомида бир неча марта бозорга чиқувчи ҳосилнинг маълум миқдордаги нархини кузатадиган бўлса, у янги ҳосил учун нечта нарх олиши ҳақида қарор қабул қилиши лозим. Шубҳасиз, бозорда маҳсулотнинг фақат бир тури бўладиган ойларда бу нарса муҳим эмас, лекин мавсум бошида рўйхатга олувчи фақат янги ҳосил нархларини ёки иккала турдаги товарлар нархларини йиғишни ҳал этиши лозим. Бу танлов, бозорда маҳсулотларнинг икки тури ҳам мавжуд бўлган ойларда қайд этилган ўртача нархларга сезиларли даражада таъсир кўрсатиши ва бу ойлардаги ўзгаришларнинг ўн икки ойлик ўзгаришлар динамикасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Рўйхатга олувчилар ҳар бир савдо объектида ўтган ҳафтада товарнинг қайси турига аҳоли томонидан талаб ошганлигини (сотилган ҳажми бўйича) аниқлаб, маҳсулотнинг энг оммабоп тури бўйича нархларни рўйхатга олиши керак. Мисол учун, янги сабзининг биринчи ойларда пайдо бўлишида, сўров орқали саккизта нархдан 2 таси сабзининг янги ҳосили бўйича ва 6 таси эски ҳосили бўйича қайд қилинади ва кейин 8 та нархдан ўртача геометрик нархи ҳисобланади. Келгуси даврларда рўйхатга олинаётган нархлар нисбати талаб ва таклифдан келиб чиқиб ўзгариши лозим.

Худди шундай ёндашув бошқа товарлар турлари нархларини рўйхатга олишда ҳам қўлланилади.

4. Вақтинча сотувда бўлмаган товарлар нархини қайта ҳисоблаш

22. Рўйхатга олувчилар сотувда мавжуд бўлмаган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар нархларини ҳисоблашнинг доимий шартларига риоя қилишларини таъминлаши зарур, яъни нархларни шартли ҳисоблаш фақат мавсумий товарлар бўйича эмас, балки барча вақтинчалик сотувда бўлмаган товарлар бўйича амалга оширилиши зарур.

23. Агар товарнинг сотувда бўлмаслиги вақтинчалик (бир ойдан уч ойгача) бўлса, у ҳолда мавжуд бўлмаган нарх шартли равишда ҳисобланиши ва ушбу товар мансуб бўлган товарлар гуруҳи ёки шунга ўхшаш товар нархининг ўзгаришидан фойдаланиб маълумотлар базасига киритилади, шу билан бирга нархни шартли қайта ҳисоблаш шу турдаги товарнинг сотувда пайдо бўлгунига қадар давом этади. Бу ҳолат, 22-бандда келтирилган шартли нархни ҳисоблаш усули билан бир хил.

24. Товар узоқ вақт сотувда бўлмаган ҳолларда, ушбу товар турлари тўлиқ қиёсланиши мумкин бўлган бошқа товарга алмаштирилади ҳамда сифати ва сотиш шароитлари таққосланарли бўлган ҳолларда, сотувдан йўқолган товар нархи билан бевосита солиштирилади.

Рўйхатга олувчиларга сотувдан чиқиб кетган товар турини шунга ўхшаш товар тури билан, гарчи у бошқа савдо объектида сотилаётган бўлса ҳам, қаттиқ назорат остида алмаштиришга ва сифати, нархи ва сотиш шароитларини таққослаш мумкин бўлганда, сотувдан чиқиб кетган товар нархи билан тўғридан-тўғри солиштиришга рухсат бериш зарур. Агар товарлар сифати ўртасида фарқ мавжуд бўлса, рўйхатга олувчилар айнан ўхшаш товар тури бўйича олдинги ва жорий ойдаги нархларни қайд этишлари ва кечиктирмасдан ушбу кўрсаткичлардан нархлар динамикасини ўлчаш учун фойдаланишга ўтишлари лозим.

25. Агар бунинг иложи бўлмаса, у ҳолда рўйхатга янги товар турини ёки янги савдо объектини (вилоят бўйича ҳар бир товар турининг энг камида бешта таққослама нархини сақлаб қолиш учун) киритиш зарур бўлади ва товарнинг бу янги тури кейинги ойларда нархлар ўзгаришини ҳисоблашда фойдаланилади.

“Товарлар ва хизматларнинг истеъмол
нархлари (тарифлари) кузатуви
ташкил этиш ҳамда индексларни
ҳисоблаш бўйича услубий низом”га
2-илова

1. Алоҳида турдаги товарларнинг нархлари юзасидан статистик кузатувнинг ўзига хос хусусиятлари

1. Алоҳида турдаги **озик-овқат товарлари** нархлари маълумотларини тўплашнинг ўзига хос хусусиятлари.

а) “Кафеларда тайёр овқат” ва “Ошхоналарда тайёр овқат” позициялари бўйича кузатув учун, ушбу ошхона ҳамда кафелардаги кўпроқ истеъмол қилинадиган 2 ёки 3 хил одатий таомлар тўпламини ва узоқ вақт давомида ушбу умумовқатланиш жойида кузатиш имкони бўладиган нархларни шакллантириш тавсия этилади. Бундан ташқари, ушбу тўпламга (учта таомдан иборат) ўртача нархдаги таомларни киритиш тавсия этилади, яъни сўнгги қийматдаги нархга (ўта юқори ёки ўта паст) эга бўлган таомларнинг нархларини рўйхатга олиш керак эмас;

б) кузатувга турли умумий овқатланиш жойларида, биринчисига шўрва, лағмон, карам шўрва ва бошқалар, иккинчисига ош, манти, бифштекс ёки гарнирли котлет, кабоб ва бошқаларни танлаб олган ҳолда, бир киши ҳисобига бир порциядан иборат таомлар таркибини, шунингдек чой ва нон (оби нон)ни киритиш зарур. Тушлик таркибига салат ва газакларни киритиш тавсия этилмайди;

в) кузатув объектлари танловининг намунавийлигини таъминлаш ва ҳудуднинг умумий овқатланиш соҳасини ўзига хос хусусиятларини акс эттириш мақсадида, истеъмол бозорларидаги нархлар кузатувида қатнашиш учун, маъмурий марказда 5 тагача ва ҳар бир туманда 3 тагача умумий овқатланиш жойлари танлаб олиниши зарур.

Шартли мисол кўринишида “Ошхоналарда тайёр овқат”:

№	Номи	Сана	Тушлик таркиби	Қиймати, сўмда
1.	1-сонли ошхона	15.08.20	Шўрва (12 000 сўм), ош (15 000 сўм), чой (2 000 сўм), 0,5 оби нон (1 500 сўм)	30 500
2.	2-сонли ошхона	16.08.20	Лағмон (12 000 сўм), бифштекс қайласи билан (13 000 сўм), чой (2 000 сўм), 0,5 оби нон (1 250 сўм)	28 250
3.	3-сонли ошхона	15.08.20	Карам шўрва (10 000 сўм), котлет қайласи билан (12 000 сўм), 1 стакан компот (2 000 сўм), 4 бўлак нон (1 000 сўм)	25 000
	Ўртача нарх			27 823,99

Шартли мисол кўринишида “Кафеларда тайёр овқат”:

№	Кафе номи	Сана	Тушлик (кечки овқат) таркиби	Қиймати, сўмда
1.	1-сонли кафе	17.12.20	0,5 мастава (10 000 сўм), 4 дона манти (12 000 сўм), лимон чой (4 000 сўм), 4 бўлак нон (1 000 сўм)	27 000
2.	2-сонли кафе	18.12.20	0,5 лағмон (10 000 сўм), бифштекс қайласи билан (14 000 сўм), чой (3 000 сўм), 0,5 оби нон (1 500 сўм)	28 500
3.	3-сонли кафе	15.12.20	Товуқ уграси (12 000 сўм), 0,5 ош (15 000 сўм), чой (2 000 сўм), 0,5 оби нон (1 500 сўм)	30 500
4.	4-сонли кафе	15.12.20	Шўрва (12 000 сўм), 2 дона кабоб (16 000 сўм), кўк чой (2 000 сўм), 4 бўлак нон (1 000 сўм)	31 000
5.	5-сонли кафе	16.12.20	Кўй гўштидан 4 дона кабоб (32 000 сўм), чой (2 000 сўм), 0,5 оби нон (1 500 сўм)	35 500
6.	6-сонли кафе	19.12.20	Кўза шўрва (16 000 сўм), 0,5 ош (12 000 сўм), чой (2 000 сўм), оби нон (3 000 сум)	33 000
Ўртача нарх				30 791,82

г) Аҳоли орасида оммалашиб бораётган “Фаст-фуд” таомхоналаридаги нархлар “Бошқа ошхоналар, кафетерийлар ва газакхоналар” ҳолатлари бўйича кузатилади (масалан, хот-дог, лаваш, гамбургер, сомса, пицца ва бошқалар). 1 дона учун нарх рўйхатга олинади.

2. Алоҳида турдаги **ноозик-овқат маҳсулотлар** нархлари маълумотларини тўплашнинг ўзига хос хусусиятлари.

а) ноозик-овқат маҳсулотларнинг алоҳида турлари, хусусан, кийим-кечаклар, оёқ кийим нархларини рўйхатга олишда уларнинг аниқ турларига батафсил тавсиф бериш лозим, бунда товарнинг хом ашёси таркиби, ранги, артикули ёки модель рақами, товар ишлаб чиқарувчи фирманинг номи, товар ишлаб чиқарилган давлат номи кўрсатилиши тавсия этилади;

б) кенг хусусиятга эга бўлган (яъни, умумий, ноаниқ тавсиф), ушбу намуна-товарга мансуб аниқ истеъмол хусусиятларига эга товар ассортиментлари эса истеъмол бозорида сезиларли нарх фарқлари ва маҳсулотнинг нисбатан ранг-баранглиги билан тарқалган товарлар позициялари бўйича, ушбу товарнинг ўртача нархи ҳисоб-китобининг аниқлигини ошириш ва нарх динамикаси репрезентативлигини таъминлаш учун, рўйхатга кўп миқдордаги аниқ товарлар нархларини танлаб олиш тавсия этилади;

в) нархларини кузатиш учун кийим-кечак ва оёқ-кийимларнинг аниқ позицияларини танлаб олишда, классик, анъанавий андозаларга устунлик бериш тавсия этилади;

г) ассортиментнинг тез-тез ўзгариб туриши шароитида, кузатилаётган позициялар рўйхатида сифат тавсифлари бир мунча фарқ қиладиган, бироқ кузатув учун белгиланган намуна-товарлар тўпламидаги товарларга яқин бўлган айрим турдаги кийим-кечак ва оёқ-кийимларни киритилишига йўл қўйилади. Фақат, алмаштирилаётган буюмларнинг нарх даражаси тўпланда кўзда тутилган буюмлар нархидан бир оз фарқ қилган ҳоллардагина, ассортиментдаги бундай алмаштиришларга йўл қўйиш мумкин.

Масалан, позициялар бўйича нарх маълумотларини йиғишда:

а) “Паст пошнали чарм туфли” – кузатувга пошнасига турли материаллардан қилинган нарсалар қўйилган паст пошнали чарм кроссовкалар киритилиши мумкин;

б) алоҳида турдаги мебелларни рўйхатга олишда, ишлаб чиқарилишида пластик ёки қоғоз текстураси (ламинат) ишлови қўлланилган буюмлар билан бир қаторда, ишлаб чиқарилишида замонавий ЛДСП (ламинатланган ДСП) ва МДФ материаллари қўлланилган мебеллар нархлари қайд қилиниши мумкин.

3. Истеъмол бозорида турли кўринишда, буюм ассортиментлари тез-тез ўзгариб турувчи, сифат тавсифида ва истеъмол хусусиятида каттагина фарқи бўлган, шунингдек, нархида катта фарқи бор (“Телевизорлар”, “Мобил телефон ускуналари”, “Совутгичлар”, “Фотоаппаратлар” ва шу кабилар) бўлган товарлар нархлари кузатувида максимал даражада турли хилдаги моделларни кузатувга киритиш тавсия этилади.

4. Шунинг ҳисобга олиш керакки, бундай товарнинг бозорда пайдо бўлишида товарнинг янгилиги омили ва нуфузи нархни шакллантиришда сезиларли таъсир кўрсатади. Бир неча ойлар ўтиб бозор ушбу товар билан тўйинса, кўрсатилган омиллар таъсири сусаяди, бунда кўпинча дастлабки нархнинг пасайиши кузатилади. ИНИни ҳисоблашда, бундай товарларни, уларнинг нархи барқарорлашганда қўйиш тавсия этилади. Бу турдаги товарлар буюмнинг тезда маънавий эскиришга мойиллиги билан изоҳланади. Шунинг учун, истеъмол бозорида ассортимент ўзгаришларини доимо кузатиб бориш зарур ҳамда йил давомида эскирган ва бозордан чиқиб кетаётган моделлар ўрнига янгисини қўшган ҳолда кузатилаётган товарларни доимий алмаштириб бориш лозим.

5. Кузатув учун аниқ товарларни танлаб олиш, шунингдек, ассортимент ўзгаришларини кузатишда, сотувчилар билан сўров ўтказишдан ташқари, аниқ моделлар тавсифига эга ҳар қандай реклама маҳсулотлари, турли каталоглар, прејскурантлар (нархномалар) ва шунга ўхшашлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Масалан: “Мобил телефон ускуналари” бўйича – истеъмол бозорида кенг тарқалган фирмалар - ишлаб чиқарган ўрта нарх даражасида бўлган комплектдаги (аккумулятор батареяси ва комплектга кирувчи бошқа аксессуарлар) уяли алоқа телефонларининг алоҳида модель ва маркалари нархлари кузатилади. Уяли алоқа телефони нархи уяли алоқа тармоғига уланишдаги тариф режалари тўловисиз рўйхатга олинади.

6. Йил давомида ассортиментнинг сезиларли ўзгариши муносабати билан, янги русумдаги телефон аппаратлари бозорда пайдо бўлиши билан уларнинг нархлари устидан кузатувни бошлаш тавсия этилади, бироқ ИНИни ҳисоблаш учун, ушбу моделлар нархларини кузатувнинг икки-уч ойларидан сўнг, қачонки янгилик омиллари йўқ бўлиб, нарх динамикаси барқарор аҳамият касб этгандан сўнг қўшилади. Ушбу моделларни ИНИни ҳисоблашдаги тўпلامда уларнинг маънан эскириши натижасида сотиш ҳажми қисқара бошлагунгача, нархи эса сезиларли пасайгунча сақлаб қолиш тавсия этилади.

Телефон аппарати моделларининг бошқа товарлардан фарқли ўлароқ тезда маънан эскириши туфайли, йил давомида кузатув рўйхатида бир хил моделдаги аппаратларни сақлаб туриш мақсадга мувофиқ эмас.

2. Алоҳида хизмат турларининг нархлари ва тарифлари юзасидан статистик кузатувнинг ўзига хос хусусиятлари

7. Пуллик хизматлар бўйича таққослама нарх (тариф) деганда, айнан шу битта ёки айнан ўхшаш ташкилотлар (бир хил турдаги, мулк шаклидаги ва шунга ўхшаш) томонидан кўрсатилган айнан бир иш турига (ёки хизмат кўрсатиш бирлиги учун ҳисобланган ишлар мажмуига) қайд қилинган нарх (тариф) ҳисобланади.

8. Аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизматларнинг нарх ва тарифларини кузатишни ўзига хос хусусиятлари мавжуд, шунинг учун алоҳида хизмат турларини рўйхатга олишда уларнинг баъзи хусусиятларини инобатга олиш зарур.

9. Қуйида айрим турдаги хизматлар нархлари ва тарифларини кузатиш бўйича қисқача кўрсатмалар келтирилган:

1). Кийим тикиш – индивидуал кийим тайёрлаш бўйича нархларни қайд этиш, бир хил материаллардан, бир хил ўлчамда, бир хил мураккаб тарзда тикилган бир турдаги моделлар бўйича, асосий материал қийматини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Кийим тикишнинг ўртача нархини аниқлаш учун ҳар хил турдаги ательеда қуйидаги кийим турларининг тикиш нархларини қайд этиш зарур:

аёлларнинг енгил мавсумий пальтоси;

эркаклар астарли пиджаги (костюм-шим таркибидаги пиджакни қўшган ҳолда);

эркаклар шими;

аёллар кўйлаги;

юбка;

миллий кўйлақлар (мураккаб безакларсиз).

2). Кийимларни таъмирлаш – қуйидаги хизмат турларининг қиймати кузатилади:

барча турдаги газламалардан тикилган эркаклар шимини таъмирлаш (қисқартириш, узайтириш ва ҳ.к.);

аёллар кийимини таъмирлаш (гавдага мослаш, этагини тўғрилаш ва ҳ.к.);

костюм, куртка ва пальто астарини тўлиқ алмаштириш;
куртканинг “занжирсимон ёпқич” илгагини алмаштириш.

3). Кийимларни кимёвий усулда тозалаш – хизматнинг қуйидаги турлари бўйича кузатув олиб борилади:

қишки пальто ва калта пальтони кимёвий тозалаш, дона;
енгил мавсумий пальто, калта пальто ва плашларни кимёвий тозалаш, дона;
иссиқ астарсиз куртка, костюмни кимёвий тозалаш, дона;
шимларни (спорт шимларидан ташқари) кимёвий тозалаш, дона;
миллий кийимларни кимёвий тозалаш, дона.

4). Ҳаммом ва душхоналар хизматлари – ҳаммом (умумий зал)да бир марта ювиниш хизмати кузатилади.

5). Соатларни таъмирлаш – нархларни қайд этиш устахонада амалга оширилади:

механик қўл соатларни умумий таъмирлаш;
стрелкали электрон-механик қўл соатларини умумий таъмирлаш;
рақамли электрон қўл соатларини умумий таъмирлаш.

6). Пойафзал таъмирлаш – кузатув устахонада қуйидаги хизмат турлари бўйича кузатилади (хизмат нархига материал қийматини қўшган ҳолда рўйхатга олинади):

эркаклар ва аёллар оёқ кийимларини таъмирлаш;
пошна остига нағал (чарм, резина) қоқтириш, жуфт;
олд қисмининг остига резина қўйиш, жуфт;
“занжирсимон ёпқич” илгагини алмаштириш, жуфт;
оёқ кийимни тиклаш, жуфт.

7). Турар жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар – уста-курувчилар томонидан бажариладиган ишлар қиймати (материаллар қийматини қўшмаган ҳолда) кузатилади:

бўйаш ва гулқоғоз ёпиштириш ишларини бажариш: шифтни оқлаш ёки бўйаш – 10 кв.м майдон учун;

кафель плиткаларини териш ишларини бажариш: хонанинг ички деворларига кафель плиткалари териш (тайёрлов ишлари қийматини қўшмаган ҳолда (эски кафелларни кўчириш, деворларни текислаш ва бошқалар)) – 1 м² учун.

8). Мебелларни, уй-рўзғор асбобларини ва тукли гиламларни таъмирлаш ва ўрнатиш – устахонада қуйидаги хизмат турлари кузатилади:

диван, диван-кровать ва шунга ўхшаш буюмларни таъмирлаш (симли сетка, пружинали блоклар ёки тўшаладиган материалларни алмаштириш ёки алмаштирмасдан, сиртига қопланадиган материални алмаштириш билан);

стул, банкетка ва креслоларни таъмирлаш (пружина ва эластик асосини алмаштириш, сиртига қопланадиган материални алмаштириш, тўшама қурилмасини ўрнатиш).

9). Шахсий фойдаланиш учун электр ускуналарни таъмирлаш – телевизор, радио, музлаткич, кир ювиш ва тикув машиналари, микротўлқинли печ, чангютгичларни таъмирлаш бўйича нархларни рўйхатга олиш амалга оширилади. Бунда, таъмирлаш устахонасининг қабул қилувчи устаси билан келишган ҳолда рўйхатга олувчи томонидан танлаб олинган айнан бир иш турлари (реле, таъминот блокини алмаштириш, фреон тўлдириш ва бошқалар) ва алмаштириладиган эҳтиёт қисмлар гуруҳи ўзгармаслиги зарур.

10). Шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш – кузатув учун танлаб олинган техник хизмат кўрсатиш шахобчасида энг оммавий хизмат кўрсатиладиган автомобиль русумлари танлаб олинади. Нархларни қайд этиш, турли мулкчилик шаклидаги техник хизмат кўрсатиш шахобчаларида қуйидаги хизмат турлари бўйича амалга оширилади: мой алмаштириш, ғилдиракларни мувозанатлаш, клапанларни созлаш, тишли вални алмаштириш, моторни таъмирлаш ва ҳ.к.

11). Фотография (суратга олиш) соҳасидаги хизматлар – нархни рўйхатга олиш қуйидагилар бўйича амалга оширилади:

хужжатлар учун расм тайёрлаш, тўрт дона расм учун;

суратга олиш майдонида рангли расм (бир ёки уч кишигача, ўлчами 10×15 бўлган) тайёрлаш, бир дона расм учун;

Рақамли ташувчилардан 10×15 ўлчамдаги расм чиқариш, бир дона расм учун.

12). Ижара хизмати – бир сутка учун шиша идишлар, тўй ва оқшом либослари, мебеллар ижараси қиймати кузатилади.

13). Диний хизматлар – қуйидаги хизмат турлари учун нархларни қайд этиш тавсия этилади:

никоҳ ўқиш ва никоҳлаш;

турли диний маросим тадбирларини ўтказиш (ақиқа, чўқинтириш, хотирлаш, дуолар ўқиш ва ҳ.к.);

қабрни анъанавий усулда қазиш;

дафн матоси билан қопланган (1,70×2,00 м ўлчамдаги) тобут;

махсус транспортдан фойдаланиш (Otayol, Foton ва бошқалар);

қабртош, ёдгорликлар тайёрлаш.

14). Ташиш (кўчиш) ва сақлаш бўйича хизматлар – белгиланган масофага аҳоли учун автотранспортда мебель, қурилиш материаллари ва бошқа турдаги юкларни етказиб бериш нархлари қайд этилади. Бунда, юк ташилаётган автомобил русумининг қиёсийлигига алоҳида аҳамият бериш зарур.

15). Хужжатлардан нусха кўчириш (ксерокопиялаш) бўйича хизматлар – хужжатнинг бир бетидан нусха олиш нархи кузатилади (А4 форматли қоғоз).

16). Сартарошхоналар хизматлари – турли мулкчилик шаклидаги сартарошхоналарнинг аёллар залида аёлларнинг модали соч кесиш (бошни ювиш,

сочни кесиш, фен билан укладка қилиш, лак билан бўяш) нархи рўйхатга олинади. Эркаклар соч кестириши (бош ювиши билан) – эркаклар залида рўйхатга олинади.

17). Кўп хонадонли уйларда кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш - хусусий ва хусусийлаштирилган уй-жойлардан фойдаланиш учун тўлов харажатлари кузатилади. Танланадиган бинолар тури, тавсифи ўзгармасдан, нархлар тўғрисидаги маълумотлар эса ХУЖМШда рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш бланкасида бир ойда хонанинг хонадоннинг 1 м^2 учун бир ойлик ҳисобланган тўлови қайд этилади.

18). Иссиқ сув таъминоти учун ҳақ тўлаш - барча шарт-шароитга эга бўлган хонадонда бир ойда 1 м^3 учун иссиқ сув учун тўловлар кузатилади.

19). Марказий иситиш учун ҳақ тўлаш - уй-жой фондларининг марказлашган иситиш тизими тарифлари бўйича кузатув “Иссиқликкуввати” корхоналари маълумотлари асосида олиб борилади. Бир ойда бир кв.м. яшаш майдонининг 1 м^2 учун марказлашган иситиш тизими тарифи рўйхатга олинади.

20). Совуқ сув ва канализация учун ҳақ тўлаш барча шарт-шароитга эга бўлган хонадонда бир ойда 1 м^3 учун тўловлар кузатилади.

21). Таксимлаш тармоқлари орқали узатиловчи табиий газ - тармоқдаги газ бўйича, газ колонкасиз газ плитаси бор, газ ўлчагич ҳисоблагич асбоблари билан таъминланган уй квартиралар (хонадон)лардаги 1 м^3 газга учун тўланадиган тарифлар кузатилади.

